

**Расулов Тўлқин Сатторович – Тошкент давлат шарқшунослик  
университетининг профессори, грант раҳбари**  
**Шарипов Қувондиқ Бахтиёрович – Тошкент давлат иқтисодиёт  
университетининг мустақил изланувчиси**  
**Салаев Дилшодбек Софарбоевич – Тошкент давлат шарқшунослик  
университетининг мустақил изланувчиси**

## **ЯШИРИН ИҚТИСОДИЁТНИНГ ИҚТИСОДИЙ ХАВФСИЗЛИККА ВА ИНВЕСТИЦИЯ МУҲИТИГА ТАЪСИРИ ҲАМДА УНИНГ КЎЛАМИНИ ҚИСҚАРТИРИШГА ҚАРАТИЛГАН ЧОРА-ТАДБИРЛАР**

***Аннотация.** Ушбу мақолада яширин иқтисодиётнинг моҳияти, яширин иқтисодиёт ва коррупциянинг инвестиция муҳити ва иқтисодий хавфсизликка таъсири, қонун устуворлиги индекси ва коррупцияни идрок этиш индексларининг моҳияти ва аҳамияти, Ўзбекистонда яширин иқтисодиёт кўламини қисқартириш, коррупцияга қарши курашиш асосида инвестиция муҳити яхшилаш ва миллий иқтисодиёт хавфсизлигини таъминлашга қаратилган чора-тадбирларнинг моҳияти очиб берилган.*

***Аннотация.** В статье рассматривается сущность теневой экономики, влияние теневой экономики и коррупции на инвестиционный климат и экономическую безопасность, важность и важность показателей верховенства закона и восприятия коррупции, сокращение теневой экономики в Узбекистане, улучшение инвестиционного климата и обеспечение национальной экономической безопасности.*

***Abstract.** This article reveals the essence of the shadow economy, the impact of the shadow economy and corruption on the investment climate and economic security, the importance and importance of the rule of law and corruption perception indices, reducing the shadow economy in Uzbekistan, improving the investment climate and ensuring national economic security.*

**Калит сўзлар:** *иқтисодий хавфсизлик, яширин иқтисодиёт, инвестиция муҳити, коррупция, қонун устуворлиги индекси, коррупцияни идрок этиш индекси.*

### **Кириш**

Мамлакатда инвестиция муҳитини яхшилаш ва шу асосда иқтисодиётнинг самарали ўсишига эришишда, биринчи галда иқтисодий хавфсизликни таъминлаш, унга таҳдид солувчи кучларни бартараф этиш талаб этилади. Асосий иқтисодий хавфсизликка бўлаётган таҳдидлар

орасида кўпроқ аҳамият эгаллагани иқтисодий муносабатларнинг жиноийлашуви, жиноий тизимнинг давлат иқтисодий сиёсатини ўз манфаатларига бўйсиндириш тенденцияси ҳисобланади. Айнан шунинг учун ҳам жиноий яширин (хуфиёна) иқтисодиётни аниқлаш, шаклланишининг олдини олиш ва унинг улушини пасайтириш ҳозирги замон иқтисодий сиёсатининг ўта долзарб муаммоларидан бири бўлиб, уни зудлик билан ҳал этиш учун комплекс чора-тадбирларни кечиктирмай амалга ошириш лозимлигини бугунги вазиятнинг ўзи талаб этмоқда.

Иқтисодиётга жалб этилаётган инвестицияларнинг мамлакат иқтисодий хавфсизлигига таъсирини қуйидаги ҳолатларда кўриш мумкин.

Биринчидан, иқтисодиётга жалб этилаётган хорижий инвестицияларнинг миқдорининг ниҳоят даражада ошиши, иқтисодий қарамликка, мамлакат ташқи қарзининг ошиб кетишига олиб келади. Халқаро молия институтларининг тавсиясига кўра ташқи қарз миқдори ЯИМ миқдорининг 60 фоизидан ошмаслиги лозим;

Иккинчидан, иқтисодиётга жалб этилаётган инвестициялар миқдорининг қисқариб кетиши иқтисодий ўсиш суръатини пасайтириб, иқтисодий хавфсизлик даражасининг пасайишига олиб келади. Мамлакатдаги хуфиёна иқтисодиётнинг кўлами кенгайиб бориши, ўз навбатида, ҳудудда яратилган миллий бойликни тақсимлаш ва қайта тақсимланишида тенгсизликни келтириб чиқаради. Аҳоли даромадларининг тўғри тақсимланмаслиги, жамиятда ижтимоий муҳитнинг ёмонлашуви, давлатнинг иқтисодиётни бошқариш механизмларининг кучсизланишига олиб келади. Жамиятда жиноий характердаги фаолиятнинг ҳамда уюшган жиноятчиликнинг авж олишига шароит яратиб беради. Мамлакатнинг инвестицион муҳитига салбий таъсир кўрсатади. Умуман айтганда, “хуфиёна иқтисодиёт”нинг кенгайиши аҳолининг сиёсий ҳокимиятга бўлган ишончини йўқотади. Давлат томонидан олиб борилаётган иқтисодий ислохотларга тўсқинлик қилади [3].

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2019 йилда амалга оширилган асосий ишлар якуни ва Ўзбекистон Республикасини 2020 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг устувор йўналишларига бағишланган мурожаатномасида “Ислохотларимизга жиддий тўсқинлик қилаётган “яширин иқтисодиёт”га барҳам берилмас экан, соғлом рақобат ҳам, қулай инвестиция муҳити ҳам шаклланмайди” [2] деб алоҳида таъкидлаб ўтдилар.

### Тадқиқот методологияси

Асосий илмий-назарий қоидаларни ишлаб чиқишда илмий абстракциялаш, таҳлил ва синтез, индукция ва дедукция, статистик гуруҳлаш, монографик тадқиқ этиш, таққослаш каби илмий тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

### Илмий моҳияти

Иқтисодий адабиётларда хуфёна иқтисодиёт ва яширин иқтисодиёт тушунчалари бир хил мазмунда келади. Расмий сектор доирасидан ташқарида, яъни уй хўжалигидаги меҳнатдан ва жамоа ишлаб чиқаришидаги ўз-ўзини таъминлаш мақсадида яширин тадбиркорлик билан шуғулланувчи турли фаолият каби яширин иқтисодиётнинг таърифи ҳам мавжуд.

Яширин иқтисодиёт - қонунлар, ҳуқуқий нормалар, хўжалик ҳаётининг расмий қоидаларини четлаб ўтиб, яъни ҳуқуқий майдон доирасидан ташқарида юз берадиган иқтисодий муносабатларнинг маълум туридир, деб баҳолаймиз.

«Яширин» иқтисодиёт миллий хавфсизликка таҳдид сифатида айрим индивидлар, уларнинг гуруҳлари, институционал субъектлар ўртасида моддий неъматлар ва хизматларни ишлаб чиқариш, тақсимлаш, айирбошлаш ва истеъмол қилиш борасида юзага келадиган ҳамда натижалари у ёки бу сабабларга кўра расмий статистикада инобатга олинмайдиган ва солиққа тортилмайдиган муносабатлар мажмуидир.

Ш.Ш. Шодмонов, У.В.Ғафуровлар яширин иқтисодиётни хуфёна иқтисодиёт деб номлаб, унга “...товар-моддий бойликлар ва хизматларнинг жамият томонидан назорат қилинмайдиган ҳаракати, яъни давлат бошқарув органларидан яширин ҳолда алоҳида фуқаролар ва ижтимоий гуруҳлар ўртасида амалга оширилувчи ижтимоий-иқтисодий муносабатлардир” [4] деб таъриф беришган. Бу муносабатлар ўз ичига иқтисодий фаолиятнинг барча ҳисобга олинмаган, тартибга солинмаган турларини олади. Ш.Ш. Шодмонов, У.В.Ғафуровлар яширин иқтисодиётнинг таркибий тузилишига қуйидагиларни киритадилар.

1) **жиноятга алоқадор иқтисодиёт** – расмий иқтисодиёт таркибига иқтисодий жиноятнинг киритилиши (бойликларнинг талон-тарож қилиниши; назоратнинг ҳар қандай шаклидан яширинган ҳолдаги хуфёна иқтисодий фаолият – наркобизнес, қимор ўйинлари, фоҳишабозлик; даромадларни ноиқтисодий қайта тақсимлаш шакли сифатидаги фуқароларнинг шахсий мулкига қарши умумжиноий ҳаракатлар – босқинчилик, шахсий мулкни зўрлик билан тортиб олиш, ўғирлаш, рэкет);

2) **сохта иқтисодиёт** – ҳисобга олиш ва ҳисоботларнинг амалдаги тизимига сохта натижаларни ҳақиқий натижа сифатида киритувчи расмий иқтисодиёт (қўшиб ёзишлар);

3) **норасмий иқтисодиёт** – товар ва хизматларнинг айрибошлаш ва тақсимлаш бўйича иқтисодий субъектлар ўртасидаги норасмий ўзаро алоқалар тизими бўлиб, у мазкур субъектлар ўртасидаги шахсий муносабатлар ва бевосита алоқаларга асосланади;

4) **яширин иккаламчи иқтисодиёт** – яқка тартибдаги ва кооператив фаолиятнинг назоратдан яширинган, яъни қонун томонидан тақиқланган ёки белгиланган тартибда рўйхатдан ўтмаган тури [4].

«Яширин» иқтисодиётнинг фаолият кўрсатишида давлатнинг иқтисодий хавфсизлигига имкониятдаги ва аниқ таҳдид мавжуд. «Яширин» иқтисодиёт аксарият одатдаги, «нормал» иқтисодий жараёнларнинг кечишига - даромаднинг тақсимланиши ва шаклланишига, халқаро савдога, инвестиция киритиш ва умуман иқтисодий ривожланишга салбий таъсир кўрсатади.

Жаҳон мамлакатларининг ЯИМда яширин иқтисодиётнинг улуши аниқлаш Халқаро валюта жамғармаси томонидан амалга оширилади.

*1-жадвал*


### **Жаҳон мамлакатлари ЯИМда яширин иқтисодиётнинг улуши, фоизда [8]**

Позицияси	Давлатларнинг номланиши	Яширин иқтисодиётнинг ЯИМдаги улуши, фоизда
1	Грузия	64,87
2	Боливия	62,28
3	Зимбабве	60,64
4	Нигерия	56,67
5	Гватемала	54,74
6	Бенин	53,66
7	Гаити	53,28
8	Габон	52,43
9	Перу	52,4
10	Танзания	52,22
11	Озарбайжон	52,19
31	Тожикистон	42,99
34	Арманистон	42,59
45	Қозоғистон	38,88
49	Россия	38,42
51	Қирғизистон	37,92
150	Германия	11,97
151	Сингапур	11,9
152	Янги Зеландия	11,7

153	Буюк британия	11,08
154	Голландия	10,77
155	Люксембург	10,67
156	Япония	10,41
157	Австрия	8,93
158	Америка қўшма штатлари	8,34
159	Швейцария	7,24

Мазкур жадвал Халқаро валюта жамғармасининг 2018 йил 28 январда чоп этилган ҳисоботидаги маълумотларга асосланган. Ҳисоботга кўра, давлатлар рейтингда намоён бўлган иқтисодиёт "яширин" секторининг барча таркибий қисмлари баҳолашда ҳисобга олинган. Ушбу тадқиқот жамғарма мутахассислари томонидан 1991 йилдан 2015 йилгача бўлган йиллик даврда ўтказилган. Берилган қиймат белгиланган давр учун ўртача ҳисобланади.

Жадвалдан кўришиб турибдики, яширин иқтисодиётнинг мамлакат ЯИИМдаги улуши нисбатан қоқоқ, коррупция авж олган мамлакатларда юқори, иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда эса паст. Шунга мос равишда яширин иқтисодиёт даражаси билан инвестиция муҳити ўртасида қарама-қарши боғлиқлик мавжудлигини аниқлаймиз. Яъни, яширин иқтисодиёт даражаси қанчалик юқори бўлса, инвестиция муҳити шунчалик даражада ёмон бўлади ва аксинча, яширин иқтисодиёт даражаси қанчалик паст бўлса, инвестиция муҳити шунчалик даражада яхши бўлади (1-расм).



1-расм. Мамлакатдаги яширин иқтисодиёт даражаси ва инвестиция муҳити ўртасидаги боғлиқликнинг графикдаги тасвири

Бизнингча яширин иқтисодиётнинг мамлакат ЯИМдаги улуши назарий жиҳатдан қуйидагича аниқланади.

$$\text{Яширин иқтисодиёт улуши} = \frac{Y_{yas}}{Y_n} \times 100\%$$

Бу ерда:

$Y_{yas}$  – жорий даврда яширин секторда яратилган ЯИМ миқдори;

$Y_n$  – номинал ЯИМ миқдори.

Бу ерда энг асосий муаммо яширин секторда яратилган ЯИМ миқдорини аниқлаш ҳисобланади. Бу бизнинг тадқиқот мақсадига кирмаганлиги сабабли яширин секторда яратилган ЯИМ миқдорини аниқлашга эътиборни қаратмаймиз.

Жаҳон амалиёти таҳлилига кўра, яширин иқтисодиётнинг ҳажми ва динамикасини қуйидаги омиллар белгилайди:

- солиқ солишнинг оғирлиги;
- олинадиган даромад миқдори;
- иш вақтининг узунлиги;
- ишсизлик миқёси;
- давлат секторининг роли.

Мутахассисларнинг фикрича, солиқ ва ижтимоий тўловларнинг ЯИМга бўлган нисбати 33% бўлса, бу яширин иқтисодиёт кўпайишининг кескин нуқтаси ҳисобланади. Дунёдаги мамлакатларда “яширин иқтисодиёт”нинг ривожланиш тенденцияси унинг ЯИМдаги улуши 1960-йилларда АҚШ-6.4%, Нидерландия – 5,6 %, Франция – 5 %, Германия - 4,6 %, Италия – 4,4 %, Япония, Ирландия ва Швейцария – 1-2 %ни ташкил этган.

1970 йилларда яширин иқтисодиёт кўрсаткичлари Голландия ва Бельгияда(12,1%) авж олганди. Австрия, Франция, Италияда ҳам унинг улуши ортиб борганди. Унинг нисбатан паст улуши Англия, АҚШ, Финландия, Япония ва Швейцария давлатларида кузатилган. 1980 йили Норвегияда яширин даромадларни аҳолининг тахминан 18 %и олган, аҳолисининг 37,5 фоизи яширин иқтисодиёт билан боғлиқ соҳаларда ишлаган [5].

2000 йилларда “яширин иқтисодиёт”нинг ЯИМ даги улушининг энг юқори даражаси МДХ мамлакатларига тўғри келиб, 12-48 %ни ва баъзи маъумотларда эса 25-60 %ни ташкил этган. Иккинчи ўринда ЕИ га аъзо бўлган собиқ ўтиш иқтисодиёти мамлакатлари кириб, уларда ЯИМ нинг 10-12 %ни ташкил этиши кўрсатиб ўтилган. Бу кўрсаткич Россияда яширин иқтисодиётнинг товар айланмаси ЯИМ нинг 30-40 %ини ташкил этган.




Солиқларни пасайтириш барқарор иқтисодий ўсиш ва давлат даромадларининг ўсишига олиб келишини биринчи бўлиб америкалик иқтисодчи А.Лаффер асослади. А.Лаффернинг мулоҳазаларига кўра, корпорациялар даромадига солиқлар ставкасини ҳаддан ташқари ошириш уларнинг капитал қўйилмаларига бўлган рағбатини сусайтиради, фан-техника тараққиётини тўхтатади, иқтисодий ўсишни секинлаштиради ва охир-оқибатда, давлат бюджети тушумларига салбий таъсир кўрсатади.

Давлат бюджетининг даромадлари ва солиқ ставкаси ўсиши ўртасидаги боғлиқликнинг графикда тасвирланиши «Лаффер эгри чизиги» номини олди (2-расм).

График тик ўқининг юқори қисмидада давлат бюджетига тушумлар (Т), пастки қисмида солиққа олинадиган манба (солиқ базаси), ётиқ ўқида—солиқ ставкаси (г) акс этган. Ушбу муносабатларга кўра, солиқ ставкасининг  $r_{opt}$  даражасига кўтарилиши, борган сари секин суръатларда бўлса-да, солиқ тушумларида уларнинг  $T_{max}$  солиқнинг максимал мумкин бўлган суммасига ошишини таъминлайди. Солиқ ставкаси шкаласининг нормал зонаси деб аталувчи  $r_{haq}^1 < r_{opt}$  оралиғида иқтисодий агентларнинг рағбатлари жиддий таъсир кўрсатмайди, ҳуқуқий иқтисодий фаолиятга қизиқиш кучаяди ва бинобарин, солиқ базасининг ҳажми ставканинг ошишидан анча секин пасаяди. Шунга кўра солиқ тушумлари кўпаяди. Агар ушбу ставканинг юқори чегараси ошиб кетса, у ҳолда солиқ ставкаси  $r_{haq}^2 > r_{opt}$  ораликда бўлади ва бу шкаланинг таъқиқланган зонаси деб номланади. Бу ҳолатда иқтисодий агентларнинг ҳуқуқий фаолиятга бўлган рағбатлари камаяди.

Ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш ҳажми қисқариб, солиқ солинадиган база ва солиқ тушумлари мос равишда камайиб кетади. ЯИМни ишлаб чиқариш солиқ мажбуриятларидан холи бўлган иқтисодиётнинг яширин секторига ўтади. Таъқиқланган зонада солиқ ставкасини топиш бизнинг нуқтаи назар бўйича “солиқ тузоғи” дир. Шундай қилиб, турли хил солиқ ставкалари ( $r_{haq}^1 < r_{haq}^2$ ) да бир хил солиқ тушумлари ( $T_1=T_2$ ) тақдим этилади. Аммо ҳар қандай ҳолатда паст солиқ ставкалари афзал ҳисобланади. Улар келажакка қаратилган, чунки улар иқтисодий агентларнинг тадбиркорлик фаолиятини сусайтирмайди, уларни инвестициялаш ва ишлаб чиқаришни кенгайтириш имконини беради. Маълум вақт ўтгандан сўнг ишлаб чиқаришнинг қўшимча ҳажми солиққа тортиладиган манба (база)ни оширади, бу еса солиқ тушумларининг кўпайишини таъминлайди.



**2-расм. Солиқ ставкаси ва яширин иқтисодиёт ўртасидаги боғлиқликнинг Лаффер эгри чизиғида ифодаланиши**

Солиқ ставкасининг оптимал миқдори ( $r_{opt}$ ) давлат бюджетига энг юқори тушум ( $T_{max}$ ) ни таъминлайди. Солиқлар янада оширилганда ишлашга ва тадбиркорликка қизиқиш сусаяди, 100 фоизли солиқ олишда давлат даромади нолга тенг бўлади, чунки ҳеч ким текинга ишлашни хоҳламайди. Ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш тўлиқ яширин секторга ўтади. Бошқача айтганда, узок муддатли истиқболда ҳаддан ташқари юқори ўрнатилаган солиқларни пасайтириш жамғармалар, инвестициялар, бандликнинг ортиши орқали солиқ ундириладиган ялпи даромад ҳажмининг ўсишини таъминлайди. Натижада солиқ тушумлари суммаси кўпаяди, давлат даромадлари ҳажми ўсади, тақчиллик камаёди ва инфляциянинг сусайиши рўй беради. Лекин ўз-ўзидан тушунарлики, Лаффер самараси фақат эркин бозор механизми меъёрида амал қилган ҳолдагина намоён бўлади.

Мамлакатимиз Президенти Ш.М.Мирзиёев 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар Стратегиясининг 3.1-бандида “солиқ юқини камайтириш ва солиққа тортиш тизимини соддалаштириш йўлини давом этиш, солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш ва



рағбатлантиришнинг тегишли чораларини кенгайтириш” [1] лозимлиги тўғрисида алоҳида тўхталиб ўтган.

### **Таҳлил ва натижалар**

Ўзбекистонда инвестиция муҳитини янада яхшилашимиз учун мамлакатда ҳуқуқий муҳитни янада яхшилашимиз лозим. Мамлакатимиз Президенти Ш.М.Мирзиёев 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар Стратегиясининг 3.4-бандида “кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни кенг ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш, тадбиркорлик тузилмаларининг фаолиятига давлат, назорат ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ноқонуний аралашувини қатъий олдини олиш” [1] лозимлиги тўғрисида алоҳида тўхталиб ўтган.

Мамлакатларнинг ҳуқуқий муҳитга эришганлиги тавсифловчи кўрсаткич бу Қонун устуворлиги индекси ҳисобланади. Қонун устуворлиги индекси (The Rule of Law Index) - жаҳон мамлакатлари ютуқларини қонун устуворлигининг умумбашарий тамойилларига асосланган ҳуқуқий муҳит билан таъминлаш нуқтаи назаридан ўлчайдиган глобал тадқиқот ва кузатувчи рейтинг. Индекс жаҳон Адлия лойиҳаси (World Justice Project) методологияси, халқаро нодавлат ташкилоти, оммавий статистика ва юридик экспертларнинг глобал сўров натижаларига асосланган ҳолда ҳисоблаб чиқилган. Лойиҳа қонун устуворлигининг асосий тамойиллари бутун дунёда қандай қабул қилиниши ва ҳурмат қилинишини аниқлаш учун 2010 йилда ишлаб чиқилган. Индекс давлат органлари, жамоат ташкилотлари, сиёсатчилар, ҳуқуқ ва ижтимоий ривожланиш соҳасидаги тадқиқотчилар, профессионал ҳуқуқшунослар, фуқаролар ва бошқалар учун долзарб маълумотларни тақдим этади.

Жаҳон Адлия лойиҳаси (World Justice Project) қонун устуворлигини қонунлар, институтлар, нормалар ва жамоат мажбуриятларининг қуйидаги узоқ муддатли тизими сифатида белгилайди: ҳисобдорлик, давлат муассасаларининг шаффофлиги, адолатли қонунлар ва адолатга кириш. Қонун устуворлиги индекси тадқиқот билан қамраб олинган мамлакатларда эксперт манбалари ва жамоатчилик фикри сўровларидан олинган маълумотлар асосида бирлаштирилган кўрсаткичдир. Индекс ижтимоий ва сиёсий ривожланишнинг турли даражаларида дунё мамлакатларида ҳуқуқий муҳит ва Қонунчилик амалиётининг ривожланиш даражасини батафсил тасвирлайдиган 47 ўзгарувчилардан иборат. Барча ўзгарувчилар саккизта мезонга бирлаштирилган (2-жадвал):

2-жадвал

**Қонун устуворлиги индексининг мезонлари ва ўзгарувчилари [9]**

№	Мезонлар	Ўзгарувчилар
1.	Давлат муассасалари ваколатларини чеклаш.	47 та ўзгарувчи
2.	Коррупциянинг йўқлиги.	
3.	Тартиб ва хавфсизлик.	
4.	Асосий ҳуқуқларни ҳимоя қилиш.	
5.	Давлат муассасаларининг шаффофлиги.	
6.	Қонунларга риоя қилиш.	
7.	Фуқаролик адлияси	
8.	Жиной адлия	

Ҳар бир мамлакатнинг рейтинги ушбу кўрсаткичларнинг тортилган ўртача миқдорини ҳисоблаб аниқланади. Индекс ва унинг учун маълумот манбаларини яратиш методологиясининг батафсил тавсифи яна бир қиёсий тадқиқот натижалари асосида жаҳон Адлия лойиҳаси (The World Justice Project) нинг йиллик ҳисоботида келтирилган (3-жадвал).

Қонун устуворлиги индекси 0-1 ( $0 \leq I_{\text{The Rule of Law Index}} \leq 1$ ) оралиқда аниқланади. Индекс 1 га яқинлашса мамлакатда қонун устуворлиги юқори ва аксинча 0 га яқинлашса мамлакатда қонун устуворлиги паст деган хулоса чиқарилади.

3-жадвал

**Қонун устуворлиги индекси бўйича дунёдаги мамлакатлар рейтинги (The World Justice Project: The Rule of Law Index 2020.) [9]**

РЕЙТИНГ	МАМЛАКАТ	ИНДЕКС
1	Дания	0,90
2	Норвегия	0,89
3	Финландия	0,87
4	Швеция	0,86
5	Германия	0,84
6	Голландия	0,84
7	Янги Зеландия	0,83
8	Австрия	0,82
9	Канада	0,81
10	Эстония	0,81
....	.....	...
21	Америка қўшма штатлари	0,72
....	.....	...

43	Грузия	0,60
63	Қозоғистон	0,52
....	.....	...
69	Белоруссия	0,51
....	.....	...
72	Украина	0,51
....	.....	...
87	Хитой	0,48
....	.....	...
90	Қирғизистон	0,48
91	Ўзбекистон	0,47
....	.....	...
93	Россия	0,47
108	Туркия	0,43
109	Эрон	0,43
123	Афғонистон	0,36
128	Венесуэла	0,27

3-жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики, Ўзбекистон 2020 йилда 128 мамлакат ичида 0,47 индекс билан 91-ўринни эгаллаган. Ваҳоланки, 2017 йилда ҳам Ўзбекистон 113 мамлакат ичида 0,46 индекс билан 91-ўринни эгаллаган эди. Фақат 2020 йилда индекс 0,01 га юқорилаган ва тадқиқот ўтказилган мамлакатлар сони 15 тага ортган. Бу эса мамлакатимизда қонун устуворлиги даражаси ошганлигидан далолоат беради.

2020 йилда Қозоғистон Марказий Осиёдаги энг юқори кўрсаткични 0,52 индекс билан 63-ўринни, Қирғизистон (0,48) эса 90-ўринни эгаллади. Тожикистон ва Туркманистон бу рейтингга киритилмаган. Дания, Норвегия, Финляндия, Швеция, Германия, Голландия, Янги Зеландия, Австрия, Канада ва Эстония давлатлари биринчи ўнликни эгаллади. Мавритания, Афғонистон, Конго Демократик Республикаси, Комбожа ва Венесуэла рейтингда охириги ўринда. Қонун устуворлиги индекси мамлакатларнинг ҳуқуқий муҳитга эришганлигини кўрсатади.

Коррупция яширин иқтисодийнинг асосий кўриниши ҳисобланади. Коррупция хавфсизликка таҳдид солувчи ҳодиса ва яширин иқтисодийнинг кўриниши эканлиги аён нарсаси, шу сабабли коррупцияни иқтисодий ҳодиса сифатида талқин этишда бахс- мунозаралар деярли йўқ. Уни давлат амалдорларининг порахўрлик фаолиятидан иборат бўлиши ва жамиятга катта путур етказишини кўпчилик тадқиқотчилар эътироф этишади. Коррупция бир қатор иқтисодий муаммолар ечимининг давлатга боғлиқ

бўлишидан келиб чиқади. Порахўрлик муносабатларини уч субъектли деб айтиш мумкин, булар пора олувчилар, пора берувчилар ва улар ўртасидаги воситачилардир. Пора олувчилар давлат амалдорлари бўлса, уни берувчилар амалдорлар хизматига муҳтожлар ҳисобланади. Воситачилар айрим шахслардан ва яширин ташкилотлардан иборатдир. Коррупциянинг иқтисодий моҳияти ва ҳуқуқий баҳоланишини фарқлаш зарур. Иқтисодий жиҳатдан бу эркин бозор қонун-қоидаларига мос келмаганидан яширин юз берадиган муносабатдир. Бу муносабатда барча коррупциялашган унсурларнинг манфаати уйғунлашади. Амалдор хизматига талаб бўлганидан, уни таклиф этишади, яъни сотишади. Бу ерда пора яширин хизмат ҳақи шаклига киради.

Мамлакатимиз Президенти Ш.М.Мирзиёев 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар Стратегиясининг 2.4-бандида “коррупцияга қарши курашишнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш ва коррупцияга қарши курашиш тадбирларининг самарадорлигини ошириш” лозимлиги тўғрисида алоҳида тўхталиб ўтган.

Коррупцияга қарши курашнинг энг маъқул йўли бу бозор муносабатларининг ўзини такомиллаштиришдир. “Иқтисодиётда шундай жиддий ҳолат кузатилади. У ўсган сари унинг ижтимоий йўналиши кучаяди, бу эса давлатнинг ижтимоий дастурларини молиялаштириш учун катта маблағ талаб қилади ва бу бюджетда тўпланади. Бюджет маблағларининг тақсимланиши амалдорларга боғлиқ ва бу уларни пора орқали сотиб олишга иштиёқини кучайтиради. Давлат истеъмолининг ЯИМдаги ҳиссаси камайишга мойил бўлса-да, унинг мутлоқ миқдори ўсади, чунки ЯИМ кўпайиб боради. Давлат истеъмолини қондириш харажатлари бюджетдан молиялаштирилади. Давлат истеъмоли унинг харидини юзага келтиради. Давлат буюртмасини олиш фирмалар товарининг сотилишини, шунга қараб фойданинг тушишини кафолатлайди. Шу сабабли буюртма учун рақобатлашув келиб чиқади. Бу рақобатда пора бериш ҳам қўлланилади” [6]. Айниқса, бу давлатнинг инвестициялари кўпайган кезларда юз беради, чунки давлат истеъмолини ортиши юз беради. Давлат истеъмоли жамият ривожини учун зарур, бироқ бу коррупцияга шароит ҳозирлайди. Натижада жамият ўзига маъқул ва номаъқул ҳодисаларга дуч келади. Демак, коррупцияни бозор тизимидаги ички зиддийлик юзага келтиради, деб айтиш мумкин.

Коррупциянинг объектив сабабларидан бири - бу давлатнинг иқтисодиётга аралашуви ва шунга боғлиқ ҳолда бизнесни ривожлантириш муаммолари хал қилинишининг давлат амалдорларига боғлиқ бўлишидир.

Коррупция даражасининг юқори бўлиши инвестиция муҳитининг ёмонлашишига ва самарали иқтисодий ўсишга катта зарар келтиради. “Коррупция хусусий сектор даромадларининг каттагина қисмини солиққа тортишдан яшириб қолишга имкон беради. Айрим корхоналарнинг (солиқ, кредит ва бошқалар бўйича) имтиёзлардан фойдаланиши рақобат муҳитини бузади. Коррупция ўзига хос солиқ бўлганлиги сабабли бу хол тадбиркорларнинг иқтисодий харажатларини оширади ва инвестиция киритиш учун рағбатни камайтиради.

Пора амалда товар сотиш ҳисобидан қопланмайдиган харажатни, яъни зарарга ўтадиган харажатни ҳосил этади. Бу доимий ёки ўзгарувчан, аниқ ёки муқобил харажатни ҳосил этмайди. Бу ишлаб чиқариш ва тижорат ишлари билан бевосита боғлиқ бўлмаган, бинобарин, бизнес учун устама тавсифидаги харажатни ҳосил этади, бу фойда ҳисобидан қопланади. Пора табиатан норасмий солиқдир” [6].

Корхонада фойда тақсимланганда, унинг бир қисмини порани қоплаш учун юборилиши, тақсимланмаган фойдани қисқартиради, шунга биноан кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришни таъминловчи инвестиция ресурсини қисқартиради. Бу билан ўзини молиялаштиришдан иборат бозор тамойилига путур етказилади. Корхоналар инвестициялари аввало инвесторларнинг ўз молиявий ресурслари, яъни фойда, амортизация ажратмалари, пул жамғармалари, кейинчалик қарз олинган молиявий маблағлар, жалб қилинган молиявий маблағлар, давлат бюджети маблағлари, чет элликлар маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади. Фойданинг бир қисмини порага ажратилиши корхонанинг ривожланиш имкониятларини камайтириб, инвестиция фаоллигини пасайишига сабаб бўлади.

Коррупция асосий ижтимоий хизматларни пора бериш имкони бўлмаган шахслар учун етишиб бўлмас нарсага айлантиради. Коррупция ривожланиш учун мулжалланган озгина маблағларни бошқа мақсадларга сарфлаб, асосий эҳтиёжлар - озиқ-овқат, соғлиқни сақлаш ва таълим соҳасидаги эҳтиёжларнинг таъминланишини қийинлаштиради. У ҳар хил ижтимоий гуруҳлар ўртасида камситишни, тенгсизлик ва адолатсизликни келтириб чиқаради, хорижий инвестициялар ва ёрдамларни қочиради, ривожланишни секинлаштиради. Шу боис у сиёсий барқарорлик ва ижтимоий-иқтисодий тараққиёт йўлидаги жиддий ғов ҳисобланади.

Коррупция давлат харажатларининг тузилишини ўзгартиради. Бунда маблағлар соғлиқни сақлаш, таълим, йўл қурилиши, алоқа сингари ижтимоий муҳим дастурлардан унча муҳим бўлмаган соҳаларга кўчирилади. Кўриб битказилган объектларни сақлаш ҳақида бош қотирмаган ҳолда янги

инвестиция лойихаларини амалга ошириш кучайган капитал қурилиш соҳаси бунинг ёрқин мисоли бўлади.

Коррупцияни идрок этиш индекси (Corruption Perceptions Index, CPI) халқаро нодавлат ташкилоти Transparency International томонидан таҳлилчилар ва тадбиркорлар томонидан юз баллик шкалада коррупцияни қабул қилиш даражасини баҳолаш учун тузилган кўрсаткичдир. 1995 йилдан бошлаб ҳар йили тузилади.

Индекс халқаро молиявий ва инсон ҳуқуқлари бўйича экспертларни, жумладан, Осиё ва Африка тараққиёт банклари, Жаҳон банки ва Америка Озодлик уйи ([Freedom House](#)) ташкилотини ўз ичига олган бир неча мустақил сўровларга асосланган.

Коррупцияни идрок этиш индекси (Corruption Perceptions Index, CPI) - глобал илмий-тадқиқот ва давлат секторида коррупциянинг тарқалиши бўйича дунёдаги мамлакатларнинг кузатувчи рейтинг. Бу индекс Transparency International халқаро нодавлат ташкилоти методологияси ёрдамида ҳисоблаб чиқилади. Transparency International - коррупция билан кураш ва бутун дунё бўйлаб коррупция даражасини ўрганиш бўйича нодавлат халқаро ташкилот. Ташкилот 1993 йилда ташкил этилган. Дунёда жами 100 дан ортиқ филиалларига эга. Ташкилот асосан давлат ёрдам пули ҳисобига, хусусан, АҚШ, Германия, Буюк Британия, Европа комиссия ҳамда хусусий жамғармалар томонидан молиялаштирилади.

Ташкилот индексни тузиш учун ишлатиладиган бирламчи маълумотларнинг ишончли бўлиши ва якуний натижаларнинг амал қилишини таъминлаш учун қаттиқ ишлайди. Белгиланган талабларга кўра, индексга мамлакатни киритиш учун камида учта ахборот манбаи талаб қилинади. Умуман олганда индекс нисбатан ишончли ўлчаш воситаси ҳисобланади, лекин у эксперт тадқиқотларига хос айрим камчиликларга ҳам эга. Масалан, ўлчашларнинг ишончилилик даражаси барча мамлакатлар учун бир хил эмас. Коррупция даражаси нисбатан кам сонли манбалардан баҳоланадиган ва баҳолашнинг кенг доираси мавжуд бўлган мамлакатларнинг индекс баллари ва уларнинг тегишли сафлари охирида тўлиқ етарли бўлмаслиги мумкин. Коррупция даражасида сезиларли ўзгаришлар жуда секин содир бўлиб, индекс асосан деярли йилдан йилга содир бўлаётган ўзгаришларни эътиборга олган ҳолда, экспертлар томонидан коррупция даражаси жорий ҳисоб-китоблар асосида хулоса чиқарилади, яъни, ўтган уч йил давомида тўпланган ўртача маълумотларни ўз ичига олади. Шунинг учун, тадқиқот ҳар доим реал динамикани акс эттирмайди, чунки унинг ўзгаришлари намуна, методология ва ахборот манбаларидаги



Ўзгаришлар туфайли бўлиши мумкин (уларнинг барчаси йиллик асосда янгиланмайди) ва умумий рўйхатдаги мамлакат жойи сезиларли даражада ўзгариши мумкин, чунки рейтингга киритилган мамлакатлар рўйхати ўзгаради.

Коррупцияни идрок этиш индекси 0 дан 100 гача ( $0 \leq I_{\text{The Corruption Perceptions Index}} \leq 100$ ) бўлган балл билан аниқланади. Индекс 100 баллга яқинлашса мамлакатда коррупция даражаси паст ва аксинча индекс 0 баллга яқинлашса мамлакатда коррупция даражаси юқори деган хулоса чиқарилади.

4-жадвал

### Коррупцияни идрок этиш индекси [10,11]

#### Transparency International: The Corruption Perceptions Index 2019.

Рейтинг (2019)	МАМЛАКАТ	2019	2018	2017	2016	2015	2014	2013
		балл						
1	Дания	87	89	90	91	91	91	90
2	Янги Зеландия	87	88	90	91	92	91	90
3	Финландия	86	85	89	90	89	89	90
4	Сингапур	85	84	88	89	87	89	88
5	Швеция	85	85	85	87	86	86	85
6	Швейцария	85	85	86	86	86	85	86
7	Норвегия	84	84	84	85	84	86	87
8	Голландия	82	82	83	87	83	83	84
9	Германия	80	82	81	81	78	76	74
10	Люксембург	80	82	81	81	79	78	79
...	...	...	...	...	...	...	...	...
24	Америка қўшма штатлари	69	71	66	70	70	69	68
...	...	...	...	...	...	...	...	...
114	Қозоғистон	34	31	37	37	37	38	41
128	Қирғизистон	30	30	26	28	29	28	34
144	Россия	28	29	30	35	35	34	34
156	Тожикистон	25	25	27	31	31	30	31
157	Ўзбекистон	25	23	20	24	24	25	26
167	Туркменистон	19	22	21	19	18	17	17
173	Афғонистон	16	18	17	17	19	20	19
180	Сомали	9	9	10	8	8	8	8

4-жадвалдан кўриниб турибдики, рейтингга кўра мамлакатлар 0 дан 100 гача балл билан баҳоланади. Коррупция даражаси қанчалик юқори бўлса, мамлакат рўйхатнинг шунчалик қуйи ўринга жойлаштирилди. 2019 йилда Коррупцияни идрок этиш индексида юқори 10 таликни Дания, Янги Зеландия, Финландия, Сингапур, Швеция, Швейцария, Норвегия, Голландия,



Германия ва Люксембург мамлакатлари эгаллади. Бу эса юқоридаги мамлакатларда коррупция даражаси жуда паст эканлигидан далолат беради. Марказий осиё мамлакатлари ичида энг яхши натижа Қозоғистонга тегишли бўлиб, 2019 йилда 34 балл билан 114-ўринни эгаллади. МДХ мамлакатлари ичида Россия, Тожикистон ва Туркменистонда мазкур индекс йилдан йилга камайиб, коррупция даражаси ортиб борапти. Минг афсуски, Ўзбекистонда ҳам бу индекс бўйича мақтана олмаймиз. Хусусан, мамлакатимиз 2013 йилда 26 баллга баҳоланган бўлса, 2017 йилгача пасайиш тенденциясига эга бўлиб, 20 баллга баҳоланди. 2018 йилдан бошлаб ўсиш тенденцияси (23 балл)га эга бўлиб, 2019 йилда эса 25 баллга баҳоланди ва рейтингда 180 мамлакат ичида 157-ўринни эгаллади. Бу эса мамлакатда инвестиция муҳити яхши эмаслигидан, мамлакатда коррупция даражасини пасайтириш асосида инвестиция муҳитини яхшилаш борасида кўплаб тизимли ишларни амалга оширишни тақозо этмоқда.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2020 йил 27 июль куни яширин иқтисодиётни қисқартириш, коррупциянинг олдини олиш бўйича кўрсатмалар берди. Хусусан, “Мамлакатимизда яширин иқтисодиёт даражаси юқори. Шу боис кейинги йилларда бизнесга қўшимча қулайликлар яратиш орқали яширин иқтисодиёт улушини камайтириш чоралари кўрилмоқда. Хусусан, валюта бозори эркинлаштирилди, янги солиқ тизими жорий этилди, 100 га яқин рухсат бериш ва лицензиялаш қоидалари қисқартирилди. Буларнинг натижасида охириги 5 йилда саноатда норасмий сектор улуши 20 фоиздан 6 фоизга тушган. ...Халқаро ташкилотлар экспертларини жалб қилган ҳолда, яширин иқтисодиётни қисқартириш бўйича стратегия ишлаб чиқиш топшириғи берилди. ...яширин иқтисодиётга қарши курашишда эҳтиёт бўлиш, иқтисодий фаолликка зарар етказиб қўймаслик, бунинг учун давлат органлари, бизнес ва жамоатчилик ҳамжиҳатликда ишлаши муҳимлигини таъкидлади” [7].

Президентимиз томонидан “солиқ ислохотларини изчил давом эттириб, яширин иқтисодиётга йўл қўймайдиган тизим жорий этиш вазифаси қўйилди. “Инсофли солиқ тўловчи” тизимини шакллантириб, шу йил якунига қадар Тошкент шаҳрида намуна сифатида амалга оширишга кўрсатма берилди.

Давлат харидлари ва инвестиция лойиҳаларида коррупцияга чек қўйиш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Молия вазирлигига бу борада шаффофликни таъминлаш, жамоат назорати ва рақобатни кучайтириш

мақсадида Давлат харидлари ахборот порталини ишга тушириш топширилди” [7].

Эндиликда ҳар бир инвестиция лойиҳаси коррупцияга қарши экспертизадан ўтказилиши белгиланди. 2021 йилдан бошлаб ушбу тизим марказлашган маблағлар ҳисобига амалга ошириладиган барча лойиҳаларга татбиқ этилади.

Президентимиз яширин иқтисодиётни қисқартириш учун одамларнинг легал ишлашига кўмаклашиш, уларни манфаатдор қилиш кераклигини таъкидлади.

Масалан, ўзини ўзи банд қилиш тизими соддалаштирилгани натижасида июль ойининг ўзида 184 минг фуқаро расмий секторда иш юрита бошлади.

Лекин, қурилиш, савдо ва умумий овқатланиш, транспорт ва бошқа хизмат кўрсатиш соҳаларида норасмий бандлик даражаси ҳамон юқори. Умуман, иқтисодиётда банд бўлган 10,5 миллион аҳолининг атиги 4,9 миллиони даромад солиғи тўлайди.

### **Хулоса ва таклифлар**

Юқорида билдирилган фикр ва мулоҳазаларга асосланиб, мамлакатда яширин иқтисодиёт кўламини қисқартириш, коррупцияга қарши курашиш асосида инвестиция муҳити яхшилаш ва миллий иқтисодиёт хавфсизлигини таъминлаш бўйича тавсиявий характердаги қуйидаги илмий таклиф ва амалий тавсияларни ишлаб чиқдик.

– фуқаролар иқтисодий фаолиятни яширин тарзда ташкил этгандан кўра, расмий равишда ташкил этишдан манфаатдор бўлиши учун шароитлар яратиш;

– давлат, ҳудуд, корхона ва бошқа субъектлар фаолиятида “яширин иқтисодиёт” кўламини аниқловчи миллий хусусиятларни инобатга олган ҳолда методологияни ишлаб чиқиш;

– кичик бизнес субъектлари учун солиқ маъмуриятчилигини соддалаштириш, солиқ ставкаларини пасайтириш ва солиқ тўловчиларга имтиёзли солиқларни қўллаш;

– тадбиркорлик фаолиятига рухсат бериш ва лицензиялашдаги ортиқча тартиб-таомилларни янада қисқартириш;

– давлат харидлари ва инвестиция лойиҳаларида коррупцияга чек қўйиш, ҳар бир инвестиция лойиҳасини коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш;

– коррупция ва яширин иқтисодиётга қарши курашишда жамоатчиликнинг ўрнини кучайтириш, жамиятда бу иллатларга нисбатан нафрат туйғусини шакллантириш, оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқлар орқали уларнинг салбий оқибатларини ёритиб бориш;

– мамлакатларнинг ижтимоий-иқтисодий-сиёсий ҳолатига баҳо берувчи халқаро рейтингларда Ўзбекистоннинг халқаро нуфузини ошириш бўйича тизимли ишларни амалга ошириш;

– коррупцион ва яширин фаолият билан шуғулланадиган тадбиркорлар ва амалдорларга нисбатан жавобгарликни кучайтириш;

– хорижий оммавий ахборот воситаларида давлат ва жамиятнинг коррупцияга қарши курашишдаги принципиал позицияси тўғрисида хорижий давлатлар, инвесторлар ва фуқароларнинг тушунчасини яхшилашга қаратилган коррупцияга қарши курашиш бўйича республикамиз томонидан қабул қилинган чоралар тўғрисида махсус материаллар ёритилишини ташкил этиш;

– Ҳар бир ҳудудда ижтимоий-иқтисодий соҳага хизмат қиладиган бозор инфратузилмасини янада ривожлантириш ва бошқалар.

Мамлакатимизда яширин иқтисодиётни қисқартиришга, коррупцияга қарши курашишга қаратилган чора-тадбирларни самарали амалга оширилиши натижасида мамлакатда инвестиция муҳити ва миллий иқтисодиётнинг хавфсизлиги даражаси яхшиланиб боради.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2020 йил учун мўлжалланган энг муҳим устувор вазифалар ҳақидаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси.

3. Алимов Р.М., Тошев З.К. “Хуфиёна иқтисодиёт” - коррупция даражасининг ортишига таъсир кўрсатувчи омил сифатида. //Жамият ва бошқарув. 2014.№1. 34-38б.

4. Шодмонов Ш.Ш., Гафуров У.В. “Иқтисодиёт назарияси”. Дарслик. - Т.: «Иқтисод-Молия», 2010, 726 б.

5. Ортиқов А.А., Исаходжаев А.Т., Шестаков А.В. Хуфиёна иқтисодиёт: Ўқув қўлланма. –Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2002. 175 б.

6. Қобилов Ш.Р. Иқтисодиёт назарияси: Дарслик. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2013., 630-бет.

7. <http://uza.uz/oz/politics/yashirin-i-tisodiyetni-is-artirish-va-korruptsiyaning-oldini-27-07-2020>

8. [http://fincan.ru/articles/95\\_tenevaja-ekonomika-stran-mira/](http://fincan.ru/articles/95_tenevaja-ekonomika-stran-mira/)

9. <https://gtmarket.ru/ratings/rule-of-law-index> маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

<https://gtmarket.ru/ratings/corruption-perceptions-index/info>

10. [https://ru.wikipedia.org/wiki/Список\\_стран\\_по\\_индексу\\_восприятия\\_коррупции](https://ru.wikipedia.org/wiki/Список_стран_по_индексу_восприятия_коррупции)